

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 9 октябрь, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 198 (11.259)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари аҳолиси эндиликда «eKagmon» Интернет тўловлари тизимида рўйхатдан ўтган электрон рақамли имзо сертификатларини олиш имкониятига эга бўлди. «eKagmon» Group компаниясининг маълумотига кўра, ушбу ҳудудларда электрон рақамли имзо сертификатларини олиш учун идентификация қилиш, шунингдек, «eKagmon» электрон ҳисобини тўлдириш бўйича агентлик шохбчалари очилган.
- Хоразм вилоятида касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида йирик ва кичик саноат корхоналарида 3374 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Улар томонидан йил бошидан буён 557 миллион 93 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.
- Норин туманидаги Хўжабод қишлоғида 772 ўқувчи ўрнига эга коллеж қуриб битказилди. Бу ерда автомобилларни таъмирловчилар, ЭХМ операторлари, энергетик ва бухгалтерлар тайёрланади. Коллежнинг тўрт қаватли замонавий биноси қишлоқнинг марказий қисмига ўзига хос хусн бағишлади.
- Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банки кўмағида амалга оширилган «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури доирасида Наманган вилоятида қишлоқ шифокорлик пунктларида фойдаланиш учун тўққизта «Дамас-Амбуланс» автомашиналари сотиб олинди. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жиҳозлари билан таъминланган ушбу махсус автомобиллар қишлоқ шифокорлик пунктларининг қақирувига жавобан зудлик билан керакли манзилга етиб боради.
- «Қамолот» ЕИХ Хоразм вилояти бўлими кенгаши ташаббуси билан «Қамолот» сардорларнинг 17 тўққизта» лойиҳаси асосида жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтди.
- Келаси ҳафтада Тошкентга Австрия бизнесининг вакиллари ташриф буюради. Зеро, пойтахтда ташкил этиладиган иқтисодий форумда бизнеснинг турли соҳаларида фаоллаш кўрсатувчи 20 дан ортиқ Австрия компаниялари вакиллари ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари билан танишадилар.
- Марғилон кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари йўл плиталари ва бордюрлар ишлаб чиқара бошладилар. Янги тармок бир кеча-кундузда 120 квадрат метр ҳажмда плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозирда унинг фаолиятини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда. Ҳадемай, бу ерда девор гишларини тайёрлаш ишлари поёнига етди ва яна 12 та иш ўрни яратилади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Кўргазмалар

«UZMEDEXPO — 2008»:

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ЎЗКСПОМАРКАЗ»НИНГ «АТРИУМ» ПАВИЛЬОНИДА УЧ КҲН ДАВОМИДА «UZMEDEXPO — 2008» ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ ИШ ЮРИТДИ. МАЗКУР КЎРГАЗМАНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ IEG ЎЗБЕКИСТОН КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИДИР. ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ФАРМАЦЕВТИКА КОМПАНИЯЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ҲАМДА «ДОРИ-ДАРМОН» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ УШБУ ТАДБИРНИНГ РАСМИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИЛАРИ БЎЛИШДИ.

Юртимизда биринчи бор ўтказилаётган халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Боси, давлатимиз томонидан кейинги йилларда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар: аҳоли соғлигини сақлашда, тиббий хизматнинг сифатини яхшилаш, замонавий ташхис қўйишни такомиллаштириш касалликларнинг олдинчи олиш ва даволашда муҳим омил ҳисобланадиган эътибор этилмоқда. Кўргазмада жаҳон тиббиёт саноати пешқадамларининг иштироки айниқса, қувонарлидир.

Кўргазмани айланар эканмиз, павильондан жой олган соғлиқни сақлаш соҳасидаги замонавий технологиялар; тиббиёт техника ва ускуналари; эстетик тиббиёт; дори-дармон воситалари ва уларни ишлаб чиқариш; электр тиббиёт, ультратовуш, рентгенологик жиҳозлар; ташхис ва лаборатория ускуна ҳамда жиҳозлари бўлимлари диққат тиббиотимизни алоҳида ўзига тортиди. Шунингдек, стоматология ва материаллар; санитария, дезинфекция ва гигиеник воситалар; реабилитация ускуналари ва тренажёрлар; тиббиёт кийимлари ва ортопедик маҳсулотлар бўлимлари кўргазмага ташриф буюрувчиларнинг диққат марказида бўлди.

Бундан ташқари, ташкилотчиларнинг самарали сайёҳаракатлари туфайли бу ерда намойишга қўйилган тиббиёт мебеллари, дори-хоналар учун махсус жиҳозлар, боғлаш материаллари, даволовчи косметика, биологик фаоллаштирувчи моддалар ва озиқа қўшимчалари, тиббий

где, стоматология ва материаллар; санитария, дезинфекция ва гигиеник воситалар; реабилитация ускуналари ва тренажёрлар; тиббиёт кийимлари ва ортопедик маҳсулотлар бўлимлари кўргазмага ташриф буюрувчиларнинг диққат марказида бўлди.

Бундан ташқари, ташкилотчиларнинг самарали сайёҳаракатлари туфайли бу ерда намойишга қўйилган тиббиёт мебеллари, дори-хоналар учун махсус жиҳозлар, боғлаш материаллари, даволовчи косметика, биологик фаоллаштирувчи моддалар ва озиқа қўшимчалари, тиббий

соғломлаштирувчи маҳсулотлар ҳамда дам олиш ва даволовчи масканлар ҳақида ҳам тўлиқ қизиқарли маълумотларга эга бўлиш имкониятлари яратилган.

Эътиборли томони, халқаро кўргазмада маҳаллий ва хорижий компания, ташкилот, хусусий клиникалар, даволаш муассасалари ва албатта ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш турларини намойиш қилишди. Масалан, ишлаб чиқарувчилардан «Магнум-медикалсервис», «AB FORM sistem» масуулияти чекланган жамиятлари; «Техкомплюс тибсавдо» хусусий корхонаси; «Медикал косметикс» ва бошқалар стендлари алоҳида ажралиб турди.

Биринчи кун «UZMEDEXPO — 2008» кўргазмаси доирасида «BIOSTOM» компанияси «CARESTREAM HEALTHN» билан ҳамкорликда жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг кўмағида «Тиббиёт рентгенологиясида замонавий технологиялар» мавзусида семинар ўтказилди.

Сирасини айтганда, бу каби нуфузли кўргазмалар эзгу мақсадга хизмат қилади, яъни республикамиз тиббиёт тармоғига замонавий технологияларни жорий қилишда, асосийси, элимиз саломатлигини мустаҳкамлашдаги илдам қадам бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмалар лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ВЬЕТНАМ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЙИГИНИНИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, «ВЬЕТНАМ-ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ РАИСИ ЛИОНГ ФАН КУ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон-Вьетнам» ва «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида маданий-маърифий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Вьетнам делегацияси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди.

— Ўзбекистон улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Лионг Фан Ку. — Бу ерда олий таълим муассасаларида дунёнинг қўллаб мамлакатларидан келган талабалар таълим олган. Мен ҳам Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида тахсил олганман. Истиқлол йилларида мамлакатимизда бошқа лавҳалар қатори таълим соҳасида ҳам амалга оширилган ислохотлар юксак самаралар бераётганини кўриб, беҳад қувондим. Вьетнам Ўзбекистон билан барча йўналишларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИДА ЁШЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН «ПОЛИСАХАРИДЛАРДАГИ НАНОТУЗИЛМАЛАР: ШАКЛЛАНТИРИШ, ТУЗИЛМА, ХУСУСИЯТЛАР, ҚўЛЛАШ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ. УНДА ЯНГИ МОДДАЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ФУНДАМЕНТАЛ ҲАМДА АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ, УШБУ СОҲАДА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

ОЛИМЛАР КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТМОҚДА

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва мазкур институт томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги академик институтлар ва олий ўқув юрларининг етакчи тадқиқотчилари, Исроил, Қозғистон, Россия ва Тожикистондан таниқли олимлар иштирок этмоқда.

Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик С.Рашидова анжумани очар экан, Президент Ислам Каримовнинг мамлакатимиз илмий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва юксалтиришга қаратаётган эътибори туфайли олимларимиз учун инновация фаолиятини ривожлантириш ҳамда дунё миқёсида катта аҳамиятга эга илмий натижаларга эришиш йўлида барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади.

Наноҳажмили тузилмаларни ўрганиш ва шу асосда олдиндан белгиланган хусусиятга эга материалларни яратиш учун нано-технологияларни ишлаб чиқиш бугун дунёда замонавий илм-фаннинг, жумладан Ўзбекистонда ҳам истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай ноёб материаллар турли соҳалар — саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтикада кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизда бу борадаги илмий ишлар даражаси нҳоятда юқори бўлиб, бугун дунёда тан олинмоқда. Ўзбекистон илм-фанининг обрўси, унинг салоҳияти каби, хорижда тобора ортиб бормоқда. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Тоҳир Орипов, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Раҳим Тиллаев, Нанотехнологиялар бўйича халқаро тадқиқот маркази директори Олег Фиговский (Исроил) ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Полимерлар кимёси ва физикаси институтида нано-технологияларнинг бу каби технологиялари барпо этиш ва олдиндан белгиланган хусусиятларга эга полимер материалларнинг янги авлодини, жумладан полисахаридлар асосида яратиш борасида қатор йиллардан буён муваффақиятли тадқиқот олиб борилмоқда. Улар асосан маҳаллий табиий хомаш ва ундан олинган моддалар, жумладан полисахаридлар сирасига кирадиган хитин, хитозан, целлюлозадан яратилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, қишлоқ хўжалиги учун экологик хавфсиз ҳимоя воситалари, ўсимликлар ўсишини тартибга солувчи ва тевлаштирувчи моддалар, уруғларни капсулалаш технологияси ишлаб чиқилди. Табиий полимерлардан бир қатор самарали доривор препаратлар яратилди. Институт лабораторияларида синтезланган янги полимерлардан қурилиш материаллари, пайвандлаш электродлари, қорғош ишлаб чиқаришда, кимё, озиқ-овқат саноатида фойдаланилмоқда. Ушбу йўналишлар, чунинчи, ўта мустаҳкам композиция материалларини яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда, тадқиқотлар мавзуси мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг аниқ эҳтиёжларига қаратилган.

Бу борада йирик хорижий илмий марказлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилди, ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бундай ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, тажриба алмашиш зарурлиги қайд этилди. Икки кун давом этдиган ушбу конференциянинг ўтказишида қўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз томонидан уларнинг тадқиқотлари давомида олинган натижалар жуда қизиқарли ва катта инновация истиқболларига эга, — дейди Россия Фанлар академияси Макромолекуляр бирикмалар институти профессори Сергей Бронников. — Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академияси ва Россия Фанлар академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. Ушбу шартнома доирасида, жумладан, янги полимер тузилмаларни яратиш соҳасида ҳам олиб борилган кўшма тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилмоқда. Бундай ҳамкорлик нафақат фундаментал илм-фани ривожлантириш, балки мамлакатларимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИРҒИЗИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

МАЪЛУМКИ, 2008 йил 5 октябрь кунини ўш ВИЛОЯТИНИНГ ОЛОЙ ТУМАНИДАГИ НУРА ҚИШЛОҒИДА РҮЙ БЕРГАН ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИДДИЙ ЗАРАР КЎРДИ. ОҒИР ЙЎҚОТИШЛАР БОР — 74 КИШИ, АСОСАН БОЛАЛАР ҲАЛОК БЎЛДИ.

Ушбу табиий офат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зилзиладан зарар кўрган Қирғизистон Республикаси аҳолисиغا инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда, биринчи навбатда, ўш вилоятининг зилзиладан вайрон бўлган Олой туманига турли қурилиш материаллари, хусусан 120 тонна цемент етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур туманга қиймати 200 минг доллардан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, 60 тонна ун, бир тонна ўсимлик ёғи, қўрпа-тўшак, кийим-кечаклар, болалар кийимлари ва бошқа энг зарур товарлар жўнатилади.

Инсонпарварлик юқини етказиб бериш вазифида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиғига топширилди.

(ЎЗА)

ЖАҲОНДА

• Кеча Украина Президенти Виктор Ющенко парламентдаги фракцияларнинг раҳбарлари билан Олий Радан тарқатиб юбориш масаласи хусусида маслаҳатлашиб олди. Президентнинг матбуот қотибаси Ирина Ванникованинг сўзларига қараганда, бу учрашувнинг барча қатнашчилари муддатидан илгари сайловлар ўтказишни ёқлаб чиқшган.

• Кеча Швеция Фанлар академиясида кимё соҳасида 2008 йилги Нобель мукофоти соҳибдорларининг номи эълон қилинди. Яшил флуорестцент оксилнинг турли шакллари яратилгани ва ишлаб чиқилгани учун америкалик Осано Симомура, Мартин Чальфи ва Рожер Тсиенлар ушбу мукофотга сазовор бўлишди.

• Арманистоннинг Ироқдаги тинчликпарвар кучлари белгиланган муддатдан аввал мамлакатни тарқ этадиган бўлди. Бу ҳақда Арманистон ҳарбий кучлари штаб бошлиғи генерал-майор Аршалуйс Пайтян маълум қилди. Айтиш керакки, арман ҳарбийлари Ироқдаги миссиясини 2005 йилнинг январидан бошлашган бўлиб, 2009 йилнинг январига қадар мазкур давлатдан чиқиб кетиши керак эди.

• Ватикан жаҳондаги йирик халқаро полиция ташкилоти —Интерполнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Бу қарор Санкт-Петербургда очилган Интерпол Бош ассамблеясининг 77-сессиясида қабул қилинди.

• Ливиянинг энергетика вазири кеча нефть ишлаб чиқарувчи давлатларга уни қазिश ҳажмларини қисқартириш таклифи билан чиқди. Ливия ҳукуматида шундай йўл билан нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар жаҳон бозорларида ушбу хом ашё нарҳларининг пасайиши шароитларида ўз даромадлари хавфсизлигини таъминлаши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

• Америка пенсия жағғармалари охириги ўн беш ой мобайнида 2 триллион доллар ҳажмидаги маблағни йўқотган. Ўтган кунини АҚШ конгрессининг молиявий таҳлилчилари шундай маълумотни билдиришди. Уларнинг фикрича, мазкур молиявий инқироз яқин вақт ичида пенсияга чиқшни ният қилган америкаликларнинг режасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

• Непалда кичик йўловчи самолёти дастлабки маълумотларга кўра ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ҳалокатга учради. Унинг бортидаги 18 йўловчининг барчаси ҳалок бўлган. Айни вақтда ушбу ҳодиса юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Кечка сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси ташаббуси билан ёқилга энергиясидан фойдаланишнинг самарали усулларига асосланган янги лойиҳа тайёрланди. Ушбу мавзуга бағишлаб уюштирилган давра суҳбатида соҳа мутахассислари иштирок этишди.

• **КЕЧА** Тошкент юридик коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиғига бағишланди.

• **КЕЧА** Тошкент шаҳар қақирув-йиғин пунктида шахримиздан муддатли ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан шахримизда уюштирилган тадбир «Назорат текширув органлари ва тадбиркорлик субъектлари орасидаги муносабатлар» деб номланди.

• **КЕЧА** Республика миллий рақс ва хореография олий мактабида ўқитувчилар, талабалар, ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган тадбир «Одам савдосига қарши курашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони, яшаш ҳуқуқи — шахннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқини эътиборга олинган Инсон ҳуқуқлари буйича Умумжаҳон Декларациясининг 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига тўла мос келади.

Жиноий-ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида туб ўзгаришларга сабаб бўлган яна бир муҳим ва ҳал қилувчи қадам — бу мамлакатимиз Президентини томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44 - моддаларига мувофиқ «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши бўлди. Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллашди, айниқса тергов жараёнида шахннинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ масалани ҳал қилишда судлар ваколатини кенгайтирилишининг сўзаси тасдиқланди.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкин, Конституция бу табаруқ ва муқаддас заминда яшовчи халқимизнинг энг яхши қасдларини, ор-номус, иймон, дошмандлик ва танглик каби олижаноб қасдларни ўзидан акс эттирди.

Асосий Қонунимизда, чунончи, халқ ҳокимиятичилиги, давлат тузилиши, жамиятни ижтимоий бошқаруving барча тизимидаги ўзгаришлар ҳам қайд қилинган.

Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоялашни таъминлашнинг муҳим қасдларидир. У ўзбек давлатчилиги ва фуқаролик жамияти ривожланишининг истиқболларини белгилаб берди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди.

Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққийимизга аҳамиятчи чет эл сармояларини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбиркорликларини учун муҳим иқтисодий механизмлар яратилди. Давлатнинг иқтисодий фаолиятининг кўпқиррали шакллари ривожлантиришдан иборат конституциявий қасдлар тадбиркорликнинг самараси ва меҳнатнинг эркин бўлишини таъминлаш мумкин бўлган бозор иқтисодиётининг негизини ташкил этиши, мулкчилик шакллари хилма-хил бўлиши, улар тенг ҳуқуқли ҳимояга эга бўлиши, ҳалол рақобат ва ижтимоий фойдали бўлиши зарурдир.

Бу соҳадаги асосий вазифалар инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қари-яларга қўмақ бериш ҳамда пенсия ва нафақалар кабилари белгилаш шулар жумласига кириди.

Ўзбекистон Конституция-

сида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиш қайд этилган бўлиб, бу нарсаларнинг жамоат бирлашмаларига уюштирилган ҳуқуқлари орқали рўйбоя чиқарилади. Утган йиллар мобайнида кўпга турли бирлашмалар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, рифат кенгаши ва жамоатчилик маркази», «Амир Темир», «Имом ал Бухорий», «Олтин мерос» халқаро жамғармалари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бош Қонунимизга мувофиқ, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзининг чуқур ифодасини топиб, тарихий тараққийимизнинг

ҳозирги босқичига хос жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда, ўтган-йиллар мобайнида шу соҳада муҳим ташкилий-ҳуқуқий институтлар вужудга келтирилди.

Эндиликда республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари буйича вакили иш олиб бора бошлади. 1996 йилда Олий Мажлис ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари буйича Республика Миллий маркази, 1997 йилда «Ижтимоий фикр» маркази ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Оmbудсман институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда ўзининг бой тажри-

басига эга. 1995 йилнинг февралда биринчи қадриқўз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримов ташаббуси билан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили лавозими таъсис этилди. Ўзбек давлатчилиги доирасида кўп йиллардан бери фаолият тажрибаси, инсон ҳуқуқлари буйича миллий институтларнинг халқаро андозалари, Омбудсман фаолиятининг амалиёти ҳисобга олинди.

Инсон ҳуқуқлари буйича Вакилнинг фаолияти фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш учун мавжуд бўлган тузилмаларга қўшимча ташкилот бўлиб, ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимояси учун унга мурожаат қилганлар сонининг ўсиши, мазкур институтга аҳолининг етарли даражада хайрхолигини кўрсатиб турибди. Мазкур институт ташкил қилингандан бери Инсон ҳуқуқлари буйича вакилига 50 мингга яқин фуқароларнинг мурожаатлари келиб тушди. Келиб тушган мурожаатларнинг кўпчилиги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқий ҳимояси масалаларига тегишли эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб илҳотлар барча давлат институтиларини қамраб олмоғи лозим. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг оширилиши уларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини турли ҳуқуқий шакллдан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилишда ҳам кўрилади.

Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси бўлиб, жамиятимиз манфаатларини ўзда тўла акс эттиришини рўй-рост исботлаб турибди.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, Тошкент Давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари доктори

Юротаётган мазкур институт инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси ва муҳофазаси учун ташкил этилган орган мақомини олди.

2004 йилнинг 27 августда парламентнинг 15-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги қонун ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнида ва олий қонунчилик органида юз берган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда янги тахрирда қабул қилинди. Янги қонун муқаддима ва 22 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати шакллантирилган ва Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтган давр, 2005 йил январидан қучга киритилди. Қонунда парламент палаталари мақоми тўғрисидаги янги қонун қоидалар, шунингдек Омбудсман мақомини ҳуқуқий тартибга солишининг хорих

«Иқтисодиёт»

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИГИ БИЛАН

ХАЛҚАРО СИФАТ ДАРАЖАСИДАГИ МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАХСУЛОТ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ БАРОБариДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ҚУСАЛИШИДА ҲАМ МУҲИМ ЎРНИ ТУТАётгани, ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА.

Шундай корхоналардан бири — 1998 йилда фаолиятини бошлаган «Asklepiy-Svift» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ҳам аҳоли саломатлиги йўлида барқали меҳнат қилмоқда. Корхонанинг 100 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилари тиббиёт муассасаларига 40 турдаги харидоригр махсулотларни тайёрлаб етказиб беришмоқда. Буларнинг барчаси гигиеник мақсадларда қўлланиладиган чиройли, қулай қадқолланган пахта, бинт, доқа, салфетка, боғловчи материаллар, тампон кабилар 2006 йилдан эътиборан «White GOLD» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган.

Доимий изланишда, замон билан ҳамда ҳамда жамоат тадбиркорлари цехларни энг замонавий хорихий технологиялар, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ва албатта, сифатли хом ашё билан таъминламоқда. Жамоа аҳли сифат менежмент тизимида иш юритиб, барча махсулотлар ISO 301:2000 Халқаро сифат даражасига тўлиқ жавоб беради.

Шу боис ҳам мазкур корхона махсулотлари нафақат ички бозоримизга, балки Украина, Тожикистон, Беларусь, Қозғистон, Россия каби кўпга хамдўстлик давлатларига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан экспорт қилинмоқда. Ишлаб чиқаришда асосий мезон сифат эканлигини ёлда тутган қўшма корхона тадбиркорлари буюртмачиларининг хоши-истаги, эҳтиёжини доимий ўрганиб борибди, шартномаларнинг узоқ йиллик бўлишини таъминлаш устида изланишди. Бу борада жорий йил охиригача бир нечта лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.

СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ЎЗ СОҲАСИДА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШДА КОРХОНАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ, ШУ БИЛАН БИРГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР МАҲОРАТИ ВА АЛБАТТА ИЧКИ БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ МУҲИМ ЎРНИ ТУТАДИ...

2002 йилдан буён фаолият юритаётган «AZIAELECTROENERGIYA» илмий-ишлаб чиқариш ташкилоти жамоаси ҳам сифатли ва рақобатбардош электр махсулотлари ишлаб чиқариб, республикамизнинг деярли барча вилоятларини қамраб олган буртмачиларини мамнун қилмоқда. Сифат ҳамиша бош мезон бўлган мазкур корхона жамоаси жорий йилда (апрель ойида) Германия давлатида ўтказилган Халқаро қўриқда юқори мукофотга сазовор бўлди — корхонага Сифат кубоғи тантанали тарзда топширилди.

Бундай ютуқларга улар импорт ўрнини босувчи юқори вольтли жиҳозлар, паст қучланилиши ускуналар ва бошқа қўлпаб махсулотлар тайёрлаш ва уларнинг тоғ-кон, нефтьгаз-кимё соҳаларида, металлургия комбинатларида, авиацияда қўлланилиши боис эришмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЖОРИЙ ЙИЛДА 75 ЙИЛ ТЎЛАДИ. УНИНГ ТАРИХИГА НАЗАР ТАШЛАР ЭКАНМИЗ, БУ ДАРГОҲНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ НЕЧОГЛИК БОЙ ЭКАНЛИГИДАН, КУТУБХОНАДА КЎНГЛИНГИЗ ИСТАГАН КИТОБНИНГИЗНИ МУТОЛАА ҚИЛА ОЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА ЭКАНЛИГИНИНГ ДАВРАДА ВА ХОҲЛАГАН ТУРЛИ ЖАНРДАГИ АДАБИЁТЛАРНИНГ АЙНАН ШУ КУТУБХОНАДАН ТОПИЛИШИ ДИЛИНГИЗНИ РАВШАН ҚИЛАДИ.



Кутубхоналар фаолиятдан

ТАФАККУРИНГИЗНИ ЧАРХЛАНГ, БИЛИМИНГИЗНИ БОЙИТИНГ

— Кутубхонамизнинг тарихи республикамиз илм-фанининг ривожини билан чамбарчас боғлиқдир, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси директори Шарофиддин Нуриддинов биз билан суҳбатда. — Кутубхонада китобларни жамлаш, адабиётларга ишлов бериш, китобларга хизмат кўрсатиш, мавзули кўргазмаларни ташкил қилиш, илмий-библиография, чет эл адабиёти, фондлар, илмий услубий адабиётларни нашр этиш ва кўпайтириш каби 10 та бўлим мавжуд. Бўлимларда малакали мутахассислар, ўз касбининг моҳир ва тажрибали ходимлари фаолият олиб борадилар. Бу масканни нурили бир маърифат гўшаси деб аташ мумкин. Чунки турли жанрдаги адабиётлар айнан бизнинг кутубхонамизда мавжуд. Китоблар одамларни яхшиликка, зегуликка, ойдин ўйларга, нурафшон манзилларга қорлайдиган, уларнинг қалбида гўзаллик, нафосат, назокат каби муқаддас туйғуларни уйғотадиган, маънавият ва маданият оламидини сирли боғичларини туташтириб борувчи восита ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир инсон ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч бўлмаसा ойда камиди бир маротаба ўзига ёққан мавзудаги китобни ўқиши керак. Ана шунда унинг шуури янада равшанлашади, онг ва тафаккури теранлашади, атрофга завқ билан қарайди, яшашга бўлган иштиёқи янада ортади. Негаки китоблар оламидаги софлик ва бегуборликни бошқа бирор жойдан топа олмайсиз. Истардимки, мамлакатимизнинг барча фуқаролари ҳаммиса китобларни ардоқлаб, уларга талпиниб яшасинлар. Кутубхонамиз китоблари инсонларнинг сиёсий, дунёвий ва маънавий билимларини оширишда ишончли кўприк бўлиб қолсин.

Ҳа, китоб инсоннинг чин дўсти ҳисобланади. Унинг саҳифаларида ҳаммиса эзгулик қадрланиб, яхшилик ёзловлади, қабоҳат ва нафрат қораланиб келади. Мазкур кутубхона 1933 йилда фан қўмитаси қошида ташкил топган бўлиб, дастлаб унинг фондида 39 минг 422 нусха

адабиётлар мавжуд бўлиб, унда олти нафар ходим фаолият олиб борган. 75 йил мобайнида кутубхона фонди нафақат мамлакатимиздаги, балки дунё илм-фани ютуқларидан бохабар этувчи адабиётлар билан мунтазам равишда тўлдириб борилади. 1983 йили кутубхона олимлар шаҳарчаси Ўзбекистон Фанлар Академиясининг илмий-текшириш институтлари марказида махсус лоистиха асосида қурилган бинога кўчиб ўтди. Бугунги кунда кутубхонада уч миллион 801 мингдан ортқ адабиётлар мавжуд бўлиб, 30 мингга яқин китобхонага эга. Китобхоналарга 100 дан ортиқ ўз касбининг фидойилари беминнат хизмат қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академияси ходимларидан ташқари олий ўқув юрталари ўқитувчилари ва талабалари, малака оширишга келган чет эллик мутахассислар ҳам кутубхонанинг бой фондидан унумли фойдаланиб келмоқдалар.

Кутубхона Ўзбекистон Республикаси кутубхоналар Ассоциациясига, Тошкент кутубхона жамиятига аъзо бўлиб, 1980 йилдан ЮНЕСКО нашр этган асарларнинг Ўзбекистондаги депозитарияси сифатида дунё кутубхона каталоглари қаторига киритилган. Унда ноёб адабиётлар захираси мавжуд бўлиб, дунёвий ва миллий маданиятимиз дурдоналари сақланмоқда. Ушбу маскандан ўрин олган Фанлар академияси олимларининг авторферат ва диссертациялари фонди ҳам катта аҳамиятга эгадир. Асосий кутубхонанинг илмий-методик бўлими 26 та илмий-текшириш муассасаларининг кутубхона тармоқлари ишига методик ва амалий ёрдам кўрсатиб келади.

Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабаларига ўқув базаси сифатида хизмат кўрсатиб, талабалар билан амалий машғулотлар ўтказиб, уларга ўз касб сирларини ўргатишда кутубхона муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, кутубхонада турли хил илмий-олимпиада конференция ва анжуманлар тез-тез ўткази-

либ турилади. 1995 йилдан бошлаб кутубхонада янги олинган адабиётларнинг электрон каталоги шакллана бошлади. Кутубхона ишини фаллаштириш, самарали ҳамкорликни вужудга келтириш натижасида интернет ва электрон ахборот ресурсларини ривожлантириш ва қўллаш ишлари йўлга қўйилди. Ҳозирга келиб 90 мингдан ортқ китобларнинг библиографик таснифи «ИРБИС» тармоғига киритилган. 1998 йилдан эса интернет алоқасидан фойдаланиб келмоқдалар. 1999 йил эса кутубхона «ИРБИС» дастури асосида ишлаб бошлади. 2001 йилда кутубхонада Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб ўз ўқув марказига эга бўлган, «Автоматлаштирилган кутубхона модели» лойиҳаси амалга оширилди. 2006 йилда эса Ахборот ресурслар маркази ташкил этилди. Бу сектор орқали кутубхоналарга электрон каталог ва интернет орқали хизмат кўрсатилади. Бунда китобхона кам вақт сарфлаб керакли ахборотни тез олади. Шунингдек, кутубхонада ҳар уч ойда янги олинган адабиётлар бюллетени тайёрланади, «Ўзбекистон олимлари» туркумидан турли мавзуларда библиографик кўрсаткичлар чиқарилади.

Яна шуниси эътиборга моликики, кутубхонада 40 мамлакатнинг 135 та ташкилоти билан адабиётлар алмашилади. Юртимизда чоп этилган илмий нашрларнинг кўп қисми мазкур кутубхона фондида йиғилган. Кутубхона ходимлари бир қатор халқаро конференция ва анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, кутубхонанинг 500 ўринли ўқув заллари мавжуд бўлиб, китобхоналар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Агарки ўз билимингизни оширмоқчи бўлсангиз, оламни ўзглигича англамоқчи, фан ва дунё сирларини мукаммал ўрганмоқчи бўлсангиз Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонасига ташриф буюринг.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кутубхона фаолиятдан лавҳалар

ИННОВАЦИЯ ИШЛАНМАЛАРИ — АМАЛИЁТГА

ТОШКЕНТДА «ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ. АНЖУМАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ, САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Форумда Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозғистон, Корея Республикаси, Германиядан 500 нафарга яқин олим ва мутахассис, инновация ишланмаларининг истиқболли истеъмолчилари ҳисобланган мамлакатимиз вазирилари, идоралари, илмий ва олий таълим муассасалари, саноят корхоналари, бизнес-тузилмалар, шунингдек, қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Конференцияни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад дунё миқёсида миллий инновация тизимларини ривожлантириш йўналишлари, Ўзбекистонда инновация фаолиятининг ҳозирги аҳоли, муаммолари ва истиқболларини таҳлил қилиш, давлат, илм-фан ва ҳусусий бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг самарали механизминини шакллантириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни фаолаштириш, илмий-техник салоҳиятни мустаҳкамлаш, муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнларини кенгайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан иборат.

Тадбир доирасида ташкил этилган илмий-инновация ишланмалари кўргазмасида мамлакатимиз олимлари ҳамда мутахассисларининг энг яхши ишлари кенг намойиш этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов махаллий илм-фан ва технологиялар истиқболлари тўғрисидаги маърузасида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистоннинг инновация салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу соҳаларни янада тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, илмий-тадқиқот институтилари ва муассасалари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий ўқув юрталари, вазирилк ва идоралар фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиёт, таълим, ишлаб чиқариш соҳаларида инновация ишланмаларидан фойдаланиш устидан самарали мониторинг йўлга қўйилган. Халқаро илмий-техник ҳамкорлик ҳам йил сайин кенгаймоқда, мамлакатимиз илм-фан соҳасига хорихий сармоялар жалб қилинмоқда. Ўзбекистонлик олим ва мутахассислар халқаро илмий дастурлар ҳамда танловларда фаол иштирок этмоқда. Давлат томонидан илмий-техник дастурларни амалга ошириш учун йўналтирилаётган умумий бюджет маблағлари ҳажмида инновация ишларини бажаришга салмоқли улуш ажратилмоқда.

Илмий-техник ахборот миллий маркази вице-президенти А.Жумабеков (Қозғистон), Санкт-Петербург давлат политехника университети профессори Ю.Бахромов, Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи А.Мухаммадҷевнинг (Ўзбекистон) маърузалари инновация фаолиятини ривожлантириш тажрибаси, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, самарали мулоқотни йўлга қўйиш масалаларига бағишланди.

Конференция қатнашчилари уч кун давомида хорихий инновация фаолияти тажрибаси билан танишди, давлат, илм-фан ва бизнес ўртасидаги доимий муносабатининг миллий инновация стратегияси ва механизмларини шакллантиришга доир турли омилар ҳамда истиқболли ёндашувлари муҳокама этиди.

Конференция дастурлида етакчи мутахассисларнинг инновация фаолиятининг айрим жиҳатларига бағишланган давра суҳбатлари ва маърузаларини уюштириш, Тошкент ва Самарқанддаги етакчи илмий ҳамда таълим муассасалари фаолияти билан танишиш, конференция материаллари тўлғамчи чоп этиш, инновация ишланмаларининг бирлаштирилган Интернет-портал ташкилоти ўтказиш, эришилган қелишувлар асосида ўзаро илмий-техник ахборот алмаштириш тармоғини ташкил этиш истиқболларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мудири

«YELLOW PAGES UZBEKISTAN»-АХБОРОТДА КЎМАКЧИ

ТОШКЕНТДАГИ «ПОЙТАХТ» МЕҲМОНИХОНАСИДА «YELLOW PAGES UZBEKISTAN — 2008/09» МАЪЛУМОТНОМАСИНING ЎНИНЧИ - ЮБИЛЕЙ НАШРИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Таъкидлаш лозимки, «Yellow Pages» савдо белгиси юз йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда ва у дунёнинг 180 та давлатида иш юритади. Мамлакатимизда эса у 1998 йилдан буён қатор муҳим маълумотномалар тайёрлаб келмоқда. Унинг савдо белгиси остида, ўтган давр ичида, «Yellow Pages Uzbekistan» ва «Yellow Pages Tashkent» маълумотномаларининг бир неча нашри чоп этилди. Бошқа қатор муҳим маълумотларни ўзда жамлаган нашрлар ҳам мунтазам чиқариб келинмоқда.

Бундан ташқари, «Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари бозори», «Ўзбекистон молия бозори», «Компьютерлар ва телекоммуникация» каби тўққиздан ортқ мавзуларда журнал кўринишидаги маълумотларни мунтазам равишда чоп этмоқда. Бу шубҳасиз, мамлакатимиз тадбиркор ва ишбилармонлари ахборот олиш борасида катта имконият яратиш билан бир қаторда, Ўзбекистонга қизиқиш билдираётган хорихлик бизнесменларга ҳам қўлланма вазирасини ўтамоқда.

«Yellow Pages Uzbekistan» - бу бир йиллик маълумотнома нашри ҳисобланиб, мамлакатимиздаги энг нуфузли компания ва корхоналар тўғрисида барча маълумотларни ўз ичига жамлаган. Маълумотномалар вазирилкар, элчионалар, меҳмоноҳна ва хорихий фирмаларга белул тарқатилади.

ТОШКЕНТДА МОДА ҲАФТАЛИГИ

ЎН ИККИНЧИ ОКТАБРДА ТОШКЕНТДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ ЖАМГАРМАСИ» ТАШАБУСИ БИЛАН «STILE-UZ-2008 МОДА ВА ДИЗАЙН ҲАФТАЛИГИ»НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛАДИ.

Шу муносабат билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси» биносида матбуот анжумани ўтказилди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишларига, бу йилги «Stile-UZ-2008 ҳафталиги»нинг қамрови кенгайган ва иштирокчиларнинг сон янада ортган. Дастлабки икки йил давомида унга Россия, Франция, Япония ва бошқа мамлакатлардан мода оламидини намояндалари иштирок этган бўлса, бу йилги лойиҳанинг нуфузли меҳмонлари қаторида япониялик, россиялик, франциялик ҳамда хиндистонлик машҳур дизайнерлар иштирок этади. Ҳафталикда таниқли дизайнер ва услубчилар, мода оламидини энг яхши намояндалари, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари кутулмоқда.

Ҳафталиқнинг очилиш маросими Тошкентда бўлса, ёпилиш маросими Самарқанда ўтади. У ерда миллий либослар фестивали ҳам ташкил этилади.

Ушбу ҳафталик дастури ранг-баранг бўлиб унинг доирасида рангтаъсир асарлари ва фото танловлар ўтказилади. Ҳафта давомида мода ва дизайнга оид учрашув ва кўргазмалар, услубчи дизайнерлар билан учрашув ва қўнғулчор дастурларига ҳам кенг ўрин берилади. Аънаънага кўра «Stile-UZ-2008» да қатнашаётган таниқли дизайнерлар нафақат ўз ижод махсулларини намойиш этади, балки маҳорат дарсларида ҳам иштирок этади.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»



ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 198 Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

ШАҲРИМИЗДА «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

Ушбу тадбирни ўтказиш учун 6 та пост белгиланган бўлиб, унда юқорида кўрсатилган ташкилот ходимлари томонидан атмосфера ҳавосига автоуловлардан чиқадиган ифлослантирувчи зарарли (токсин) газларнинг миқдори текширилмоқда.

Автоуловлардан чиқадиган 200 дан ортқ зарарли моддалардан иборат тўплам, яъни углерод ва азот оксидлари, альдегидлар, курум ва бошқалар ер устки қатлами (инсонлар нафас оладиган) ультрабинафша нурлари таъсири остида фотохимёвий реакцияга киришиб, янги ва янада захарлироқ қўшилмаларнинг юзага келишида манба маҳсулот вазифини ўтайди. Улар эса танамизни захарлаб, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Атмосфера ҳавосининг автоуловлардан чиқадиган зарарли токсик газлардан ифлосланишига асосий сабаблар куйидагилардир:

- асосан автоулов двигателларининг носоз ҳолда ишлаши (ёқилги таркибининг бузилиши, поршен гуруҳи ўт олдириш тизимининг эскириб қетиши);
- автоуловлардан фойдаланишда мажбурий бузадиган тезликни тез ошириш, автоуловни қаттиқ тормоз бериб тўхташ, чорраҳалардан нотўғри ўтиш каби омиллар;
- чорраҳада тўхтаган автоуловларнинг ҳаракатга келганида ҳам улардан чиқадиган зарарли газлар атмосфера ҳавосини ифлослантиради.

Президентимизнинг ташаббуслари билан кейинги йилларда шаҳримизда эстакада йўллари ва айланма йўл қурилди. Буларга қишқ халқа йўли ҳамда Юнусобод, Чилонзор, Сергели ва Шайхонтохур туманларида қурилган эстакада йўллари мисол қилиши мумкин. Автоуловларнинг чорраҳаларда тўхтавиш жойлари бирмунча камайди.

1995 йилдан 2008 йилга қадар пойтахтдаги автоуловлар сони 2 баробарга кўпайган, шубҳасиз, ишлатиладиган ёқилги миқдори ҳам ошди ва бу ўз навбатида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларнинг кўпайишига сабаб бўлди.

Барча ҳайдовчиларнинг вазифини шундан иборатки, улар автоуловларнинг техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиб боришлари — энг кам даражада зарарли моддаларни чиқариши юзасидан техникаларини сошлаб туришлари лозим бўлади. Битта автоуловнинг зарарлилик даражасини сошлаш учун 10 дақиқа вақт талаб этилади. Бу чикиндилар чикинининг ҳамда ёқилги сарфининг пасайиши демакдир.

Тадбир бошланган 20 кун давомида 9477 та хусусий автоуловлар текширилган, улардан 850 та автоуловдан чиқадиган зарарли газлар миқдори меъёридан ортқлиги аниқланди.

Дизель ёқилгисидан юрадиган 100 автоуловларнинг 10 тасидан чиққан зарарли тўтун миқдори

ШАҲРИМИЗДА АТМОСФЕРА ҲАВОСИНING АВТОУЛОВ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ИФЛОСЛАНИШИНИ КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА 10 СЕНТЯБРДАН 10 ОКТЯБРГАЧА «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҲАВСИЗЛИГИ НАЗОРАТИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КЎМИТАСИ НОЗИРЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎТКАЗИЛМОҚДА.

меъёридан ортқлиги маълум бўлди. Бу автоуловларнинг аксарияти «ДЭУ» автобуслари ва «ОТАЙЎЛ» автоуловларини ташкил этади.


Биз бугунги кунда атмосфера ҳавосини бузаётган, созланмаган автоуловларнинг янада камайишини истаймиз. Юқоридаги маълумот билан танишган ҳайдовчилар чўқур мушоҳада юритиб, атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлаш, атмосфера ҳавосининг ифлосланувини камайтиришга ўз хиссаларини қўшишларига ишонамиз. Бу борада кенг қўламда ўтказилаётган «Тоза ҳаво» тадбири ҳам самарасини беради албатта.

Ҳа, йилдан йилга автоуловларнинг сони ва турлари кўпайиб бормоқда.

Бугун жаҳон йўллари бўйлаб 500 миллиондан кўп автомобиль ҳаракатланмоқда, 2030 йилга бори уларнинг сони 1 миллиардга чикети кўпайди. Ҳаммаси ажойибдек, чунки иқтисодчиларнинг тахмини бўйича 30 йилдан сўнг автомашина эгаларининг сони икки баробарга кўпайди.

Уларнинг фикри кишини хурсанд қилади деб бўлмади. Чунки бугунги кунда шаҳарларимиз ҳавосини бузаётган зарарли моддаларнинг 60 фоизини автомобиль двигателлари чиқармоқда.

Хисоб-китобларга кўра, 1 та энгил автомобиль кун давомида 1 килограммгача турли зарарли газларни ҳавога чиқаради. Уларнинг таркибидан 3 фоизга яқин углерод ок-



сиди, 0,6 фоиз азот оксиди, 0,5 фоиз углероддорлар, 0,006 фоиз олтингурут оксиди бор. Автомобил ёнилгисидан кўроштин бирикмаси ҳам бор. У ҳам ҳавога чиқади.

Бундан ташқари автомобиль доимий ҳаракатда бўлганда ва айникиса, сирпаниб тўхтаганда резина гилдираклари емирилади ва шу тариха минглаб тонна резина чанги ҳавога кўтарилади. Автомобиллардан чиққан газлар бизнинг ўпка, қон, юрак, марказий асаб тизимимизга етиб боради.

Атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар ҳамми автомобиль двигатели ва ёнилгисига боғлиқ. Экологларнинг ҳисобларига қараганда, чунки дизель ёнилгиси ёнганда ҳавога 9 килограмм углерод оксиди (исли газ) чиқарилади. У эса инсон қонига қизил шарлар — эритроцитларга таъсир этади, ўз навбатида уларнинг килоруд етказиб бериш қобилияти йўқолади. Натижада организмда килоруд етишмайди, бу эса ўз навбатида марказий асаб тизимига таъсир этади.

Азот оксидларидан нафас олиш оғир касалликларга олиб келиши мумкин. Шаҳар кўчаларида автомобильлар тирбанд бўлиб туриб

«JATA TRAVEL FAIR — 2008» ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ИШТИРОКИ

ТОКИО ШАҲРИДА «JATA TRAVEL FAIR — 2008» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ ЎЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ЯПОНИЯ САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ (JATA) ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР КЎРГАЗМА ИШИДА ЖАҲОННИНГ 136 МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН ТУРЛИ ФИРМА ВА КОМПАНИЯ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Кўргазма доирасида халқаро сайёҳлик анжумани ҳам ўтказилиб, унда дунёнинг 97 мамлакатидан 1150 нафар киши қатнашди.

Ушбу нуфузли халқаро тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, шунингдек «Келажак-Тур» ёшларнинг халқаро сайёҳлик ва ҳамкорлик бюроси, «OXIS Travel Ltd», «Sitora International» ва «Sairam Tourism» каби фирма ва компаниялар юртимизни намойён этди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдими, шунингдек «Янги Буюк Ипак йўли истиқболлари ва Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сайёҳлик салоҳияти алмашуви» мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда Япониянинг турли вазирилари ва идоралари, йирик сайёҳлик компаниялари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек «JATA» президенти Косүкэ Шибата иштирок этди.

Меҳмонлар эътиборига Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий марказлари, диққатга сазовор жойлари, халқаро сайёҳлик имкониятларига доир маълумотлар тақдим этилди. Япониялик археолог, Буюк Ипак йўли халқаро академияси директори, профессор Кюдзо Катонинг «Ўзбекистондаги будда ёдгорликларининг сайёҳлик жозибадорлиги» ва таникли суратчи Жюна Акинонинг «Ўзбекистон сайёҳлиги ва маданий мероси япон фоторассомни нигоҳида» мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда айникиса, катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида мамлакатимиз Миллий санъат маркази томонидан ташкил этилган Ўзбекистон халқ амалий санъати усталарининг ишлари намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Семинарда таъкидланганидек, Япония халқаро сайёҳликни халқ дипломатиясининг муҳим таркибий қисми сифатида баҳолайди. «Кунчақ юрт» ҳукумати хорижа сафар қилувчи япониялик сайёҳлар сони 2010 йилга бориб, 20 миллион кишига етказишни режалаштирмоқда.

Шу муносабат билан Япония сайёҳлик агентликлари ассоциацияси янги сайёҳлик йўналишларини ўзлаштиришга катта эътибор қаратмоқдаки, улар орасида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллайди. 2005 йилда Тошкентда ўтказилган халқаро сайёҳлик конференциясида Япония компанияларининг муваффақиятли иштирокидан сўнг Ўзбекистонга ташриф буюраётган япон сайёҳлари сони кескин ошган эди.

Семинар чоғида Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, меъморий ёдгорликларни қайта тасвирлаш ва ободонлаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар, шунингдек ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилган диққатга сазовор тарихий жойлар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинди.

Ўзбекистон билан Япония сайёҳлик компаниялари ҳамда агентликлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш икки халқнинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Япония ердан фойдаланиш, инфратузилмалар, транспорт ва сайёҳлик вазирилари туризм бўлими департаменти бош директори Ўринбосари Набору Нишитака тадбир ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртқлаштириб, жумладан, шундай деди: «Бугун биз Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, жаҳон аҳамиятига молик бой тарихий ва маданий мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида янада кўпроқ билиб олиш ва халқингиз тарихи ҳамда маданияти билан яқинроқ танишиш, шунингдек бетақдор юртингизга сафар қилиш истагида бўлган японияликлар сонининг орттишига хизмат қилади.

«PROCO Air Service» компанияси раҳбари Т.Касахара:

— Ўзбекистон ҳақидаги бундай нуфузли семинарда иштирок этиш имконияти яратилганидан жуда хурсандман. Бизнинг компаниямиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг чипталари соҳибига бўлиб қолди.

«Ўзбекистонлик шериклар билан семинар ва мулоқотларда иштирок этиш ҳамкорлигини янада юксалтиришга ҳамда юртингиздаги халқаро сайёҳликни ривожлантириш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга хизмат қилиши, шубҳасиз, — деди Т.Касахара. — Биргаликдаги сайёҳлик ҳаракатларимиз натижада Ўзбекистон авиакомпанияси йўналишларида япониялик йўловчилар оқимининг янада кўпайишига ишонаман».

Буюк Ипак йўли халқаро академияси директори Кюдзо Като:

— Мен семинар ишида иштирок этиб, японияликлар орасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бўлган қизиқиш тобора ўсиб бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ушбу анжуман натижалари гоғята самарали бўлди, деб хисоблайман.

Мен ўз маърузамда Ўзбекистон заминидан сайёҳлар ва тадқиқотчилар учун катта қизиқиш уйғотадиган кўплаб қадимий ёдгорликлар мавзусининг таъкидладим. Диёрингизда япониялик сайёҳларни ҳамини очикўнгиллик билан қутиб олишларини жуда яхши биланман. Бинобарин, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ва самимийлик, бу ерда тайёрланган бир-биридан мазаги миллий таомлар ҳар қандай сайёҳда унутилмас таассурот қолдиради.

Собир МАҲМАТОВ, давлат нозири

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНING АСРАЙЛИК

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНING БУЗИЛИШИ ИНСОННИНГ СОҒЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ БИЛАН БИРГА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ҲАМ КАТТА ЗАРАР ЕТКАЗАДИ. АТМОСФЕРАНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ ДЕГАНДА, УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ТАБИИЙ ҲОЛДА МАВЖУД БЎЛГАН ГАЗЛАР МУВОЗАНАТНИНГ ТАБИИЙ ҲОЛДА ОМИЛЛАР НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ҲАР ХИЛ ГАЗЛАР, ҚАТТИҚ ЗАРРАЧАЛАР, РАДИАКТИВ ЧАҒЛАР, СУВ БУҒЛАРИ ВА БОШҚАЛАР ТАЪСИРИДА БУЗИЛИШИНИ ҲАМДА СИФАТИНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ТУШУНАМИЗ.

Республикамиздаги табиий манбаларни оладиган бўлсак, бунга асосан ҳавога кўтариладиган чанг зарралари муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши атмосфера ҳавосининг ифлосланишини тезлатмоқда.

Асосан шаҳар атмосферасини ифлослантирувчи манбалар автомобил транспорт (40 фоиз), энергетика соаноети (20 фоиз), корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариши (14 фоиз)ни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, атмосфера ифлослантирувчи асосий манба транспорт воситалари ҳисобланади. Чунки автомашина, самолёт, тепловоз, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқалар жуда кўп миқдорда килоруд сарфлаб, атмосферага ҳар хил газларни чиқариб ифлослайди. Шунинг учун ҳар йили Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ички ишлар вазири билан Сўғдиёқ вазири билан ҳамкорликда икки босқичда яъни йилга икки мартаба баҳорги ва кўзги мавсумларида «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказиб келишади. Бундан мақсад инсонлар саломатлигига таъсир қилувчи захарли газлар миқдорини камайтириш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган.

Автомобиллар чикиндилари шуниси

билан хавфлики, биринчидан, улар биосферанинг фаол зонасида тушади. Иккинчидан, улар таркибиде барча тириклик учун жуда захарли бўлган кўроштин бирикмалари мавжуд. Учинчидан, автомобиль газ чикиндилари атмосферадан ерга яқин қатламга, инсон нафас оладиган сатҳга тушади. Иссиқ иқлим шароитда йўллари кўплиги, шаҳарлардаги кўчаларнинг йўл белгилари, йўлчиорқларга сероблиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Йўллар коникарсиз бўлган шароитда ҳавонинг автомобиль газ чикиндилари билан булғаниш меъёрида 5-10 марта ортади.

Автомобиллар атмосфера ҳавосини ҳар хил захарли газлар билан ифлослантиришдан ташқари дунё аҳолисининг нафас олишига кетадиган килоруддан 3-4 марта кўп килорудни сарфлайди.

Маълумотларга қараганда шаҳар атмосфераси океанлар устидаги атмосферага нисбатан 150 марта ифлос экан.

Ҳавонинг қучли ифлосланиши инсонлар соғлигига, барча жонзотларга салбий таъсир кўрсатади. Шаҳарлар ва сонаот ҳудудларида кишилар ўртасида сурункали бронхит, нафас қисми ва ўпка раки касалликларининг кўпайиши кузатилади.

Ф.ФАТХУЛЛАЕВ,
1-тоифали мутахассис



ДАСТУР ЛОЙИҲАСИДА ИШТИРОК ЭТИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КЎМИТАСИ 2009 ЙИЛГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ, МЕЪЁРИЙ-УСЛУБИЙ ИШЛАР, ТАШКИЛИЙ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. БАРЧА ҚИЗИҚҚАН ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, МУАССАСАЛАР ВА ШАХСЛАРНИ ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Барча лойиҳалар танлов асосида кўриб чиқилади. Қизиққанлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раисининг номига таклиф қилинган ишининг номи, манзили ва бошқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда расмий хат (заявка) ёзилади.
2. Таклиф этилаётган ишининг лойиҳаси куйидаги маълумотларни қамраб олиши керак:
 - Лойиҳанинг тўлиқ номи
 - Лойиҳанинг қисқача мазмуни (2-3 ыарақ)
 - Лойиҳани бажариш муддати (йил, ой, санаси)
 - Лойиҳа мақсади, лойиҳанинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг яшаш учун ахши шарт-шароитлар яратиш ва бошқа экологик йўналиши (1 ыарақ)
 - Лойиҳанинг қулайлаётган экологик ва иқтисодий самарадорлиги (0,5 ыарақ)
 - Лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнида бошқа ташкилот қатнашиши кўзда тутилса, унинг номи, манзили ва лойиҳага дахлдорлиги тўғрисида қисқача маълумот
3. Лойиҳанинг бажарилиши бўйича харажатлар (калькуляция)
4. Иш бўйича (агар бўлса) тақризлар

Кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, лойиҳа бўйича таклифлар комиссия томонидан кўрилмайд.

Кўшимча маълумот учун телефонлар: 273-85-65, 273-86-76

Таклифлар куйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳжўчаси, 7, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ЎЗКАМИЗГА КУЗ ФАСЛИ КИРИБ КЕЛИШИ БИЛАН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КЎМИТАСИ НОЗИРЛАРИ ОЛДИДА КАТТА ҲАЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН МАСАЛАЛАР ТУРАДИ. ШУЛАРДАН БИРИ ХАЗОНЛАР ДИР. ЗЕРО, БАЪЗАН КЎЧАЛАРДА ТЎПЛАНГАН АХЛАТЛАР ВА ХАЗОНЛАР ТЎПЛАМИ ЁҚИЛИШИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ.

Хазонларни ёқиш оқибатида эса ҳавога ҳар хил захарли моддалар ва хидлар ажралаб чиқади. Бу инсон саломатлигига катта салбий таъсир кўрсатади. Хазонлардан ташқари резина ва пластмассалар ҳам ахлат уюмлари ичида ёнади. Ёнганда маълум миқдорда резина ёки пластмассадан чиққан химиявий моддаларнинг хиди ҳавога тарқалади ва атрофдаги дов-дарактлар бу ҳавонинг ўзига ютади.

Инсонларнинг билиб-билмай қилган бу хатоси уларга жуда қимматга тушиши мумкин. Чунки хазонларни ёқиш чоғида ажралаб чиқадиган канцероген моддалар: углерод оксиди, азот оксиди, оғир металллар бирикмалари, диоксинлар ҳавога тарқалади.

Айримлар тўпланган хазонларни ахлат ўрнида кўриб, дарров ёқиб юборишади. Агар уни ерга чўқур қазиб кўмиб қўйилса, улар органик ўқитга айланиб, тўпроқни гумус билан бойитади.

Лекин дала ҳовлиси ёки уйи ёнида ери борлар хазонларни кўмиши мумкин. Кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳоли барглари тўплаб, ахлат уюмлари билан бирга «Махсустранс» хизматига топшириши мақсадга мувофиқдир. Азиялар, биз шунинг тавсия этамизки, ҳар бир инсон ўз саломатлигини уйлаши ва атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда яшаш зарур.

М.МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
1-тоифали мутахассис

ҚОНУНБУЗАРЛАР ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ БОШЛАНИШИ БИЛАН ШАҲРИМИЗ ҲУДУДИДА УШБУ ФАСЛАГА ХОС БЎЛГАН ТАБИИЙ ҲОЛАТЛАР, ЯЪНИ ТУМАНЛАРДАГИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ТОМЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛИШИ ҲАМДА ДАРАХТЛАРНИНГ БАРГЛАРИ ТЎҚИЛИШИ ОҚИБАТИДА ОЧИҚ АЛАНГА ОЛДИРИБ БИТУМ ЭРИТИШ, ДАРАХТ БАРГИ ХАЗОНЛАРИ ВА АХЛАТ УЮМЛАРИНИ ЙЎЛ ЧЕККАЛАРИГА ТЎПЛАБ, ЁҚИЛИШИ КУЗАТИЛАДИ.

Бундай салбий ҳолатлар фуқароларимиз орасида нафас олиш органларининг касалланишига, юрак қон томirlари касалликларининг кўпайишига ва шаҳримиз ҳудуди экологик вазиятининг кескин ёмонлашишига олиб келади.

Шаҳримизда экологик мувозанатни сақлаш ҳамда кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туманлардаги ободонлаштириш бошқармалари, «Махсустранс», уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан жойларда ҳосил бўладиган хазонлар, шоҳ-шаббалар ҳамда ахлат уюм-

ларининг ёқилишига йўл қўймасдан ўз вақтида олиб кетилишига йўналтирилган куйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

Туманнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда хазонлар тўқиш учун компост чуқурларини қазиб, ҳажми ва манзилларини кўрсатиши.

Хазонлар тўқилган жойларда улар ёқиб юборилиши ҳолатларида аланга олган майдонларни ўчиришга ихтисослашган наватчи тезкор гуруҳларни ташкил этиши.

Маҳалла кўмиталари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларига жойлардаги аҳоли томонидан хазонларни ёқиб

юборилишига йўл қўймаслик мақсадида керакли чоралар кўриш.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган, яъни атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва чикиндиларни йўқ қилиш талаб-қондаларини бузганлиги учун туман фуқаролари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 88 ва 91-моддаларига асосан шахсий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиради.

ИТТ ва ЭТ бўлими

«Жаҳон» АА, Токио.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Дунёдан йўқолиб кетса хору хас, Гулу шамшод қадрин ҳеч ким билолмас.

Баҳор келса, қуруқ гулни иргитма, Совуқ қиш иш бериб қолар, унутма.

Юқтирмаган дилга ҳеч қандайн гард, Ҳар қандайн гард ҳам дилга оғир дард.

Бир текис ўсмагай кўлда ўн бармоқ.

Чўнтаги бўм-бўш одам, Доимо хотири жам.

Оз яхши — кўп ёмондан яхши.

Юз киши хузурига келур бир одам, Биринг хузурига юз келмас ҳечам.

Ўзга оёғи-ла йўл юриб бўлмас.

Ҳеч ким демайди, жоним, Аччиқ менинг айроним.

Билимсиз бўлса киши, Дуруст чикмас ҳеч иши.

Шундай иш танлаб ол, шундай қил меҳнат, Умрингда ундан ҳеч чекма хижолат.

Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир, Ёпиқ эшиқларни очар бирма-бир.

Бандасану шоҳлик, даъво этасан, Нечун шоҳсанким, ёвузлик экасан?!

Сабр қилган бўшар бандидан охир, Бандларнинг қалиди сабрдир, сабр.

Насихатим ол, эй ўғлим яқбор, Ота пандидан бўлғил ҳосилдор.

Рохати мардум дегил, озор демак Мева бермас, ҳеч хижолатдан бўлак.

Сўхбатдошлиқ қилғил яхшилар билан, Ишларнинг саранжом топар яхшидан.

Хушбўй, хушхулқ ила ўлтир бир нафас, Бадхулқнинг сўхбати мисоли қафас.

Бир бадхулқ қўшилса улфатга агар, Исми юз покиза номинг булғатар.

Битта қуш илинган бўлса тузоққа Ажабмас, юзлаб қуш тўлса тузоққа.

Йўл узра очиндек учиб борсанг ҳам, Кўш каби йўлдан кўз узма бир дам.

Тушлар борки, киши дилгир бўлади, Кўпинча яхшилик таъбир бўлади.

Яхшилик дуррини сақла маржонда, Ёмондан узоқ бўл, қолма армонда.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2006 йил 20 октябрдаги 002141-03-сон билан рўйхатга олинган «РОСНТА FORTUNA» масъулияти чекланган жамиятининг ИНН: (300 030 872) 2008 йил 1 октябрдан иш фаолияти тугатилади. Куйидаги манзилга мурожаат қилинг. Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 4-уй Тел. 233-90-59 ва 233-95-73

Айтиш жоизки, Истиклол йилларида туман Кенгашининг моддий-техник базаси тубдан мустахкамланди. Энг улғу, энг азиз шодиёна - Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини соҳа ходимлари меҳнат, ижтимоий-маиший ҳаётда катта ютуқлар билан қарши олишди. Мазкур фикрларимиз тасдиғи ўлароқ оммавий касбдаги мутахассисларга машқ машинаси сифатида мўлжалланган иккита "Матиз" русумидаги энгил машина харид қилинди. Бўлғуси ҳайдовчиларнинг билим ва малакаларини янада мустахкамлаш мақсадида иккита синф эса замонавий кўргазмалар куруллар билан жиҳозланди. Ўтган давр мобайнида туман Кенгашининг 6 нафар олий маъ-

«Ватанпарвар» ташкилотларида

САМАРАЛИ ИШЛАР КўЛАМИ

МУДОФААГА КўМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ЯККАСАРОЙ ТУМАН КЕНГАШИ МАНА НЕЧА ЙИЛДИРКИ ОММАВИЙ КАСБДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ЎСИБ КЕЛАётган ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАН ЕТУҚ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ЭТИШ ТАРБИЯЛАШГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚўШИШ, ТУРЛИ БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛМОҚДА.

лумотли ўқитувчилари, 14 нафар оммавий машқ усталари томонидан 150 нафар "В", 90 нафар "ВС", 55 нафар "С" тоифадаги оммавий касбдаги мутахассислар тайёрланди. Улар айни вақтда халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида фаолият олиб боришмоқда. Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳаёт тарзимиз "Ва-

танпарвар» ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу маънода туман Кенгаши маъмурияти соҳага янги ислохотларни жалб этиш, аҳоли ўртасига тўлароқ кириб бориш мақсадида бир қанча амалий тадбирларга ҳам қўл урган. Хусусан, шаҳримиздаги 296-мактаб билан ҳамкорликда туман Кенгашининг филиали сифати-

да 2 та синф тўлиқ таъмирланиб, бўлғуси ҳайдовчилар ихтиёрига топширилди. — Келгусида ҳам шу йўсиндаги хайрли ишлар кўламини кенгайтирмоқчимиз, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Яккасарой туман Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Хусан Ҳасимов биз билан сўхбатда. — Негаки ом-

мавий касбдаги мутахассисларни тайёрлашга бўлган аҳтиёж ортган сари ўқув имкониятларини ошириш масаласини ўз ўрнида ҳал этиш масъулияти бор. Ўйлаيمانки, жамоамиз бу долзарб, ўз ечимини қутаётган муаммоларни ижобий ҳал қилишда ўзаро камарбаста бўладилар. Туман Кенгаши нафақат соҳа доирасидаги фаолиятда, балки жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, жорий йил давомида Яккасарой тумани микросидаги 14 февраль — "Ватан ҳимоячилари куни", 21 март — "Наврўз" байрами ва бошқа умумхалқ шодиёналарида туман Кенгашининг ҳам ўзига хос Ҳисса борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хидирали ПАНЖИЕВ

«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати

СТРЕССНИНГ ФойДА ВА ЗАРАРИ

1936 йили «NATURE» ЖУРНАЛИДА КАНАДАЛИК БИОЛОГ ГАНС СЕЛЬЕНИНГ «ТУРЛИ ЗАРАРЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК АЛОМАТЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ҚИСҚАГИНА ХАБАР БОСИЛИБ ЧИҚҚАНДИ. ЎША ХАБАРДА ИЛК БОР ИНСОНИАТ «СТРЕСС» (БОСИМ, ТАЪИҚ, ЗЎРИҚИШ) ИНГЛИЗЧА СЎЗИ БИЛАН ТАНИШГАНДИ.

Шуниси қизиқки, «стресс» сўзининг илмий тушуначисининг инсон саломатлигига боғлиқ жойи йўқ. У киши организмнинг бирон-бир кўзгатувчи омил таъсирига жавобан барқарорлик касб этиш қобилиятини англайди, ҳоло. Кўзгатувчи омилларнинг ўзини стрессорлар деб аташ одат бўлган.

Стресс ҳолатига акс жавоб қандай юзага келади? Инсон микроблар ва вируслар ҳужумига дуч келганда, жазирема ёки қаттиқ совуқ таъсирида қолганда, руҳий ёки жисмоний шикастланганда — организм бу ҳолатларга қон томирларнинг торайиши билан, артериал қон босимининг ошиши билан, юракнинг шиддатлироқ ишлаш бошлаши билан, қондаги глюкоза даражасининг ошиши билан жавоб беради.

Айни пайтда киши онги, воқеликларни қабул қилиш, кўриш, эшитиш қобилиятлари ўткирлашади ва кучкуватти ортади. Очлик, совуқ, иссиқ ҳарорат, касалликлар, жароҳатлар, ўзаро ва ёввойи ҳайвонлар билан олишиш ибтидоий кишилар учун стрессли омиллар ҳисобланган. Буларнинг ҳаммаси юксак жисмоний фаолликни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам стрессга қарши организмнинг реакцияси инсонларга ўз ҳаётини сақлаб қолиш имконини берувчи бутун кучкуватини тезда сафарбар этишдан иборат бўларди.

Ун минг йиллар илгаригидек ҳозирда ҳам инсон мураккаб ҳаётий вазиятларга худди шу тарзда жавоб қилади. Стрессга қарши жавоб ҳаракати киши ҳаёти ва саломатлигига реал таҳдидлар бўлмаган ҳолатларда ҳам, масалан офисда музокаралар столи атрофида ўтирилганда ҳам юз бериши мумкин — бунда организм «ҳар эҳтимолга қарши» ғайриоддий вазиятга жавоб тарзида муносабат билдиради.

Лекин ҳозирги давр стресс ҳолатини кўзгатувчилари одатда шундай бўладики, уларга қарши жисмоний фаолликни ошириш билан жавоб беришининг иложи йўқ. Стрессга қарши реакция жисмоний соҳадан руҳий ҳолатга ўтиб кетган ва бу ҳолат ҳозирги замон кишининг асосий муаммосига айланган. Сафарбар этилган энергия қичиб кетиш учун йўл тополмай, сарф этилмай қолади ва жисмоний ҳамда руҳий фаоллик ўртасидаги нисбатнинг бузилишига олиб келади.

Бундай ҳолатларнинг оқибати сифатида юракнинг ишемик касаллиги, гипертония, диабет, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, бронхитал

астма, тери касалликлари, турли хил иммунал ва алергик бузилишлар ва ниҳоят кўпгина руҳий ҳасталиқлар ривожланиши мумкин. Ачинарлиси — узоқ давом этган стресс ҳолати инсон умрининг қисқаришига олиб беради.

Шундай бир ҳолатни кўз олдингизга келтириш: қадимги аждодларимиздан бири 30 минг йил муқаддам тор сўқмоқда қилич тишли йўлборсга дуч келиб қолди. У нима қилиши керак — олишимини ёки қочиб кетсинми?

Стрессга қарши жавоб ҳаракатида гормонлар муҳим роль ўйнайди. Бўйрак усти безлари томонидан зудлик билан ажралиб чиқувчи адреналин гормони туғилган ҳавфга қарши илк безовталик жавобининг бир жиҳати, ҳоло. Адреналин томир уришини тезлаштиради, қон босимини оширади, шу билан бир вақтнинг ўзига қондаги глюкоза концентратсиясини кучайтиради. Лекин организмнинг барқарорлигини сақлаб туриш учун «гипоталамус — гипофиз — бўйрак усти қобиғи» алоқа тизимининг ҳам аҳамияти катта.

Йўлбарс қиёфаси қалла сунгай асосидаги мия қисмини уйғотади. Кейин гипофизга қонда адренортикотропик гормон ажратилиши ҳақида сигнал берувчи модда ишлаб чиқарилади. Адренортикотропик гормон таъсирида бўйрак усти безлари кортикоид гормонини ишлаб чиқаради. Бу паншахасимон безнинг тиришиб, лимфатик туғунлар атрофияси юзага келиши, яллиғланиш реакцияларининг тормоқланиши ва қувват манбаи сифатида глюкоза ҳосил бўлишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, ибтидоий овчи ўз имкониятлари даражасида олишишига ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги учун иммунал реакциялар вақтинча «ўчирилади». Айни пайтда қондаги кортикоидларнинг юқори концентратсияси ошқозон-ичак йўлларида ярачларни пайдо қилади.

Стресс билан стресснинг фарқи бор. Ҳар қандай нормал фаолият — шашка ўйини ёки эхтиросли муҳаббат бўсади ҳам стрессга сабаб бўла олади. Лекин улар инсонга ҳеч қандай зарар етказмайди. Канадалик олим Селье эустресс ва дистресс (ташвиш, касаллик) деб аталувчи икки хил стрессни ажратиб кўрсатганди. Агар эустресс ўзимиз истаган натижа билан боғлиқ бўлса, дистресс ҳаммаша биз учун нохуш ва емирувчи омил сифатида ёқимсиз ҳолатдир. Америкалик олим Фридман одамларни икки типга ажратди. А тип (тож томирлар стресси) юрак ишемик касаллиги билан оғришга мойил ки-

шилар. Б тип (иммунал тип) — юрак ишемик касаллигига буй бермайдиганлар тип. А типга мансуб кишилар ўзлари танлаган, лекин аниқ белгиланмаган мақсад йўлида тезкор суръатли ҳаёт тарзига эга бўлган кишилардир. Улар доимий равишда мусобақалашади, эътироф этилишни қаттиқ исташади. Фаолиятнинг турли хилларида доимий қатнашиш ва мудомак вақтинг етишмаслиги, ҳаёт маромини тезлаштириш одами, шунингдек, ҳаракат қилишга ҳам руҳий, ҳам жисмоний юқори даражада тайёр туриш — уларга хос хусусиятлардир. Б типидagi кишилар уларнинг му்தако акси бўлган одамлар ҳисобланади. Бундай кишилар босиқ, осойишта ҳаракатни ёқтиришади. Натижада тож томирлар атеросклерози Б типдаги кишиларга нисбатан А типдаги кишиларда 6 марта кўпроқ учрайди.

Бизнинг стрессларга бой давримизда одатда юрак ишемик ҳасталигини келтириб чиқарувчи атеросклероз кенг тарқалган касалликлардан бирига айланган. Унинг оқибати эса — миокард инфарктидир. Юрак-қон томир касалликларининг олдини олувчи тадбирлар қаторига жисмоний машқлар, овқатларни чеклаш ва махсус парҳезлар асосида семиршишга қарши курашиш киради. Шунингдек чекишни ташлаш ва стресс ҳолатларини четлаб ўтиш кўникмасини ҳосил қилишнинг ҳам аҳамияти катта.

Бундай илтилошларнинг маъноси шундаки, улар қон томирларининг деворларида холестерин моддасининг қўйиб қолишининг олди олинади. Табиий узум виноси ва коньяк профилактик чораларнинг умумий сирасига киради. Винонинг полифенол бирикмалари атеросклерозни бошланғич даврида тўхтатиб қўйиш ва тикинлар пайдо бўлишининг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, қимматбаҳо дори-дармонларга аҳтиёж қолмайди. Қизил ошхона виноларида фенол бирикмалари энг кўп бўлиши аниқланган.

Албатта, вино билан доволаниш уни қатъий меъърий дозаларда истеъмол қилиш, зинҳор сунитезьмолга йўл қўймаслиқни талаб қилади. Шифокорлар алкоғолли ичимликларни тавсия этмаслиқларининг асосий сабаби — унинг таъсирига тушиб қолишдан аҳтиёт чорасидир. Агар тиббий дозаларда фойдаланилса, вино юрак-қон томир касалликлари, юқорида айтилганидек, стресс ҳолатлари ва уларнинг оқибатларига қарши курашда самарали омил бўлиши мумкин.

Хориж матбуоти асосида Саид ВАЛИ тайёрлади.

«КУТУБХОНАЧИЛИК МЕНИНГ КАСБИМ»

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА «КУТУБХОНАЧИЛИК МЕНИНГ КАСБИМ» КўРИК-ТАНЛОВИ БўЛИБ ЎТДИ. ДАСТАВВАЛ КУТУБХОНАЧИЛАР КИТОБХОНЛАРГА КУТУБХОНАНИНГ БўЛИМЛАРИНИ БИРМА-БИР ТАНИШТИРИШДИ.

Кутубхона тарихи, кечаси ва бугуни ҳақида батафсил маълумот берилди. Шундан сўнг танловнинг асосий қисми бошланди. Ҳар йили аънъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур тадбирда бу йил ҳам кутубхонанинг беш нафар зукко қизлари бешта шарт асосида беллашди. Кутубхоначиликдан моҳир пазандаликга, мафтункор рақслардан, куй-қўшиқларгача бўлган танлов шартларида қизлар ўзларини нафақат касб маҳоратларини, балки, бошқа соҳаларда ҳам нечоғли илғор эканликларини намойён этишди.

— Биз бугунги тадбирда қизларнинг касб маҳоратларига баҳо бериш билан бирга, уларнинг янгидан -янги қирраларини ҳам кашф этдик, — деди кутубхона илмий ва маркетинг тадқиқотлар бўлими 1-тоифа кутубхоначиси Дилором Ибрагимова.

Тадбир сўнгида ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Гулбаҳор КОБУЛОВА, «Туркистон-пресс»

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

10 ОКТАБРЬ, ЖУМА

Бугунги куннинг рамзи бўлган Юрак инсонлар онгида меҳр-шафқат, муруват хисларини жўш урдирди. Бу хисийтларга қулоқ тутилмаган тақдирда сиз ташвишли онларда ёлғиз қолишингиз, ҳеч ким сизга ёрдам қўлини чўзмаслиги мумкин. Энг аввало ақинларингизга яхшилик қилишга интилинг.

Кимлариндир ҳафа қилиш, бировлардан нафратланиш, жаҳолатга берилиш мумкин эмас. Бутун кун давомида осойишта ва босиқ-вазмин бўлишга ҳаракат қилинг. Берган ваъдаларингизни бажариш, ҳар қандай эзгу ишларга қўл уриш хайрли бўлади. Саёхатларга отланишни бошқа кунларга қолдириб турилинг.

Бошқа кунларга қараганда, мунажжимларнинг таъкидлашларича, бугун ҳақоқатлар кўпроқ бўлиши кутилади, жароҳатланишлардан аҳтиёт бўлинг. Имкон қадар қон қуйиш ёки олдиришдан, жигарда жарроҳлик операцияларидан ўзингизни асранг. Гастритдан азият чекувчилар учун бугунги кун ноқулай келади. Бўғимларни, невралгия ва асаб-руҳий касалликларни доволлаш самарали бўлади.

Шу кеча-кундузда башоратли тушлар кўрасиз. Уларга ишоншингиз мумкин. Қўрганларингизнинг ҳаммаси эртами-кечми — албатта ўнгингизда содир бўлади.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3298 нусхада босилди. Қўроз бичими А-2

Футбол

ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА

КЕЧА «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИГА ЙИҒИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ «А» ГУРУҲИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН—БАҲРАЙН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БАҲС ГУВОҲИГА АЙЛанишди.

Аввалги учрашувда эронлик тенгдошларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўнган ўсмирларимиз бу сафар ушқоқ ҳолда сермазмун ўйин намойиш этишди. Рақиблар дарвозаси томон уюштирилган чиройли комбинациялар самара бериб, аввалги Абдурахмонов, кейин Муҳиддинов томонидан киритилган голлар ҳамюртларимизга 2:0 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди. Ўтказилган учта учрашувнинг иккитасини ғалаба билан яқунлаган Роберт Гай шогирдлари Осие чемпионатининг чорак финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритишди.

ҲАММАСИ ТОШКЕНТДА ҲАЛ Бўлади

КЕЧА АВСТРАЛИЯДА «АДЕЛАИДА ЮНАЙТЕД» — «БУНЁДКОР» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ЯРИМ ФИНАЛИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, учрашувни тошкентликлар ҳужумкор рўхта бошлашди. Бирок, қарши ҳужум тактикасини қўллаган майдон эгалари тошкентликлар дарвозасига уюштирган ҳужумларини голлар билан яқунлашди. Ривалдо, Жепаровлар ўзларига яратилган имкониятлардан фойдалана олмаган, мезбонлар томонидан 90 дақиқа мобайнида киритилган учта гол учрашувнинг йирик ҳисобдаги натижа билан яқунланишини таъминлади.

Энди Осие чемпионлар лигаси ярим финалининг тақорий учрашуви 22 октябрда Тошкентда ўтказилади. Ушбу муҳим беллашувда тошкентликлар рақибларини қамда 4:0 ҳисобида енга олишлари талаб этилади. Акс ҳолда «Бунёдкор» Осие чемпионлар лигаси мусобақалари билан хайрлашади.

Мини-футбол

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ГУРУҲДА БИРИНЧИ

«ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ, ЭЛЧИХОНАЛАР, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА МИНИ-ФУТБОЛ БўЙИЧА ИККИ КУН ДАВОМ ЭТГАН ЎНИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Мусобақанинг биринчи ғолиблик учун майдонга тушган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси барча рақибларидан кўра сермазмун ўйин намойиш этиб биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Россия элчихонаси командасига иккинчи ўрин, Қозғистон элчихонаси мини-футболчиларига учинчи ўрин насиб этди.

Мусобақанинг иккинчи гуруҳида куч синашган Франция элчихонаси жамоаси ҳам биринчи ўринга лойиқ деб эътироф этилди. Ушбу гуруҳда иккинчи ва учинчи ўринлар Миср Араб Республикаси элчихонаси ҳамда «UZ-Техас» Ўзбекистон —АҚШ қўшма корхонаси жамоаларига насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3298 нусхада босилди. Қўроз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиш ва сақланади. «Шарк» нарийв-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6